ХАЛҚАРО АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИНИ САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 3 май, шанба № 70 (1495)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Evropa
Tiklanish va Taraqqiyot
Banki

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 май куни Оқсаройда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Жан Лемьерни қабул қилди.

Ўзбекистоннинг ЕТТБ билан ҳамкорлиги вақт синовидан ўтган. Банк илк бор 1993 йилда Ўзбекистондаги лойиҳани молиялаштирган эди. Ўтган даврда мамлакатимиз ЕТТБ стратегиясида устувор ҳисобланган Марказий Осиё минтақаси учун ажратиладиган кредитларни тақсимлаш борасида унинг энг яқин шеригига айланди.

Бугунга қадар ЕТТБ иштирокида Ўзбекистонда умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг 20 лойиҳа амалга оширилди. Бунда банкнинг ҳиссаси 723,8 миллион долларни ташкил этади. Айни пайтда жами қиймати 320 миллион долларлик яна 8 лойиҳа ишланмоқда. Бошқа мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам ЕТТБ хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари учун кредит бериш, бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, экология масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

Шу кунларда эса Тошкентга ўнлаб мамлакатлардан ҳукумат делегациялари, молиячилар, ишбилармонлар, банкирлар, сиёсатчилар келмоқда. ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг навбатдаги йиллик мажлиси 4-5 май кунлари Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтади.

Президент Ислом Каримов ушбу воқеа ЕТТБнинг Ўзбекистонга ишончи мустаҳкамлигидан, банкка қатъиятли шахс раҳбарлик қилаётганидан далолат эканлигини таъкидлади. Ушбу йирик анжуманнинг Тошкентда ўтиши, унга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилгани эса ўзаро ҳамкорлик юксак даражада ривожланиб бораётганидан дарак беради.

Учрашувда мазкур анжуманга ҳамда Ўзбекистон билан ЕТТБнинг ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятларига оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ва республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, мана шу асосда мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишнинг асослилигини зарур ҳужжатлар, шу жумладан жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиш йўли билан ўрганиб чиқиш;

вазирликлар, идоралар ва назорат органлари, шунингдек маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларига қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари, қонун бузилишини ва унга олиб келувчи шарт-шароитларнинг сабабларини бартараф қилиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

мансабдор шахслар томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаган тақдирда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни тегишли органлар олдига қўйиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузаётган назорат қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш;

жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига таклифлар билан мурожаат қилиш;

хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб этиш.

Белгиланснки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир қарорлари вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилмасида штатдаги ходимлар сони 10 нафар бўлган Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимлар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва тегишли бўлимларнинг жорий таъминотини молиялаштиришни назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармасининг тузилмасини ва Бошқарма тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амалдаги имтиёзлар ва кафолатлар рўйхатини, уларни қўллаш бўйича шарҳлар билан биргаликда, икки ой муддатда тайёрласин;

Хорижий сармоялар бўйича агентлик билан биргаликда Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган тўпламини Интернет тармоғига жойлаштириш учун хорижий тилларда уч ой муддатда тайёрласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги минтақавий бўлимларининг моддий-техника базасини қўллаб-қувватлаш учун грантлар жалб этилишига кўмаклашсин.

5. Адлия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг доимий мониторингини олиб борсинлар ҳамда хорижий инвесторлардан тушаётган мурожаатлар ва таклифларни батафсил ўрганиб чиқсинлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этишни янада яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар билан биргаликда таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамасига йилнинг ҳар чорагида тақдим этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин, шунингдек вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Э.Ғаниев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 май

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантиришга, иқтисодий ва молиявий барқарорликка йўналтирилган изчил сиёсат амалга оширилмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг ўзбек модели бутун дунёда тан олинди ва қўллаб-қувватланди.

ЖАМОАТЧИЛИК - ЕТТБнинг ТОШКЕНТДАГИ АНЖУМАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон барқарор, изчил, самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсати туфайли, шу жумладан халқаро иқтисодий уюшмалар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали жаҳон ҳамжамиятининг ишончини қозонди. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик муносабатларига интеграциясини таъминлашда Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби нуфузли молиявий ташкилот ҳам катта ёрдам бермоқда. Республикамиз 1992 йилда унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган. Бу йил ЕТТБ бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси Тошкентда ўтказилаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг яққол далилидир. Бу халқаро анжуман орқали Ўзбекистон бутун дунёга ўзининг улкан инвестициявий салоҳиятини яна бир бор намойиш этади.

Анжуман арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази қарийб 2,5 миллион киши яшайдиган Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ўртасида тезкор сўров ўтказди. Сўров тошкентликларнинг республика ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий воқеалардан яхши хабардор эканлигини кўрсатди. «ЕТТБ бошқарувчилар кенгашининг мажлисида қандай масалалар муҳокама қилинишини биласизми?» деган саволга сўралганларнинг аксарияти бундан хабардор эканлигини айтган. Қуйидагича жавоблар олинди: 21,6 фоиз сўралганлар яхши хабардор, 68,4 фоиз одамлар умуман хабардор.

Тошкентликлар ЕТТБ бошқарувчиларининг йиллик мажлисидан нималар кутмоқда? Сўралганларнинг ҳар учинчиси фикрича, бу анжуман туфайли Ўзбекистоннинг ЕТТБ, унинг аъзолари бўлган давлатлар билан алоқалари кенгаяди ва мустаҳкамланади. Яна шунча сўралганлар республикага келаётган хорижий инвестициялар оқими ортишига ва бу ўз навбатида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар суръатларини жадаллаштириш имконини беришига умид қилади. Сўровда иштирок этганларнинг 18,3 фоизи фикрича, республикада тадбиркорлик муҳити яхшиланади, кичик ва ўрта бизнеснинг оёққа туриши учун янги туртки берилади. Сўралганлар бундай муҳим тадбирнинг Тошкентда ўтказилиши мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишини қайд этишмоқда. Пойтахт аҳолисининг кўпчилиги (93,4 фоиз) ЕТТБ мажлиси у ёки бу даражада республиканинг ижтимоий, иқтисодий ва молиявий аҳволини яхшилашга хизмат қилади, деган фикрда.

Тошкентда ЕТТБ бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлиси ўтказилишининг ўзи, аксарият тошкентликларнинг фикрича, давлатимиз раҳбари ва умуман Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўси юқорилиги ҳамда ЕТТБ ва иштирокчи мамлакатларнинг юртимизга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади

Дил сатрлари

«ГЎЗАЛ ТОШКЕНТ БИЗНИ МАФТУН ЭТДИ»

Барбара ЛОУРЕНС, ЕТТБнинг Лондондаги бўлими вакили

●

– Ўзбекистонга илк ташрифим. Кеча кечқурун Тошкентга учиб келдим. Шаҳрингизнинг гулдек қиёфаси, одамларнинг гулгун чеҳраси, қолаверса, бу ердаги об-ҳаво кайфиятимни кўтариб юборди. Ҳали тайёрада учиб келаётган вақтимдаёқ юртингиз ҳақидаги айрим маълумотларни билиб олдим.

Мустақиллик йилларида Президентингиз раҳнамолигида кўпдан-кўп бунёдкорлик ишлари амалга оширилибди. Ҳаяжонимни яширмайман, гўзал Тошкент бизни мафтун этди! Кўп эшитганим – Хива, Бухоро, Самарқанд каби ажойиб шаҳарлар, қадимий обидалар кимни ҳам қизиқтирмайди дейсиз. Ниятим албатта у ерларга бориб, ўзбек халқининг ўтмиши, кишини лол қолдирадиган обидаларни томоша қилиш.

Дунёнинг энг йирик молиявий ташкилотларидан бири бўлмиш ЕТТБ форумининг Тошкентдек ажойиб шаҳарда ўтказилиши ғоятда қувонарли ҳол. Биз бу ерга йирик лойиҳаларни тақдим этиш учун келганмиз. Ишончим комил, анжуман муваффақиятли ўтади.

Мария КОЛВЕЖ, ЕТТБнинг Лондондаги бўлими етакчи мутахассиси

●

– Эндиликда мустақил Ўзбекистон ҳақида хорижда ҳам кўп гапирилаяпти. Ўзим буюк соҳибқирон Амир Темур ва у қурдирган обидалар ҳақида яхшигина тасаввурга эгаман. Юртингиз енгил саноати ва қишлоқ хўжалигида эришилаётган натижалар, имкониятлар хусусида кўп биламан. Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтказилаётган халқаро нуфузли анжуман делегациялари орасида Европа Иттифоқи ва Европа Инвестиция банки делегациялари ҳам бор.

Билдимки, бугун «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида «Ўзбекистон Республикасининг экспорт ва инвестицион салоҳияти» кўргазмаси очиларкан. Уни албатта кўриш керак. Шунда катта имкониятларга эга бўлган юртингиз тўғрисида бой маълумотларга эга бўлинади. Оққўнгил, фидокор ўзбек халқига самимий ниятларимни йўллайман.

Суҳбатдошлар: Абдулҳай ЮНУСОВ, Қудрат ШАРОФИДДИНОВ, «Ишонч» мухбирлари

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ўртасида меморандум имзоланди.

Ҳужжат мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорликка қаратилган. Меморандумнинг имзоланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ишларнинг мантиқий давомидир. Бу борада катта тажрибага эга ХМК билан ҳамкорлик мамлакатимизда хусусий, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратишга, жумладан, хусусий бизнес субъектларининг кўпайиши ва янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади.

Халқаро молия корпорацияси Жаҳон банки гуруҳининг инвестициялар билан шуғулланадиган мустақил бўлинмасидир. У иқтисодий ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатлар хусусий секторини кредит билан таъминлаш ҳамда қисман молиялаштириш билан шуғулланади. 1956 йилда ташкил топган корпорация ҳозиргача 140 мамлакатдаги 2825 корхонани молиялаштиришга 34 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратган.

ХМКнинг мазкур меморандум асосида мамлакатимизда олиб борадиган фаолияти иқтисодиётимизнинг асоси бўлган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

(ЎзА)

КОНИМЕХ ЁШЛАРИ ҚУВОНЧИ

Қонимех туманида полипропилин қоплари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона иш бошлади. Хитой технологияси асосида маҳсулот чиқарадиган ушбу корхона қурилишига «Матлубот-савдо», «Навоийазот» ҳамда «Навоий дон маҳсулотлари» акционерлик жамиятлари ҳомийлик қилди.

Корхонада йилига 12 миллион дона полипропилин қоп ишлаб чиқарилади. Йил охиригача, ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ошгач, корхонада ишчилар сони янада кўпаяди. Ҳозирча бу ерда юздан ошиқ йигит-қиз меҳнат қиляпти.

Корхонанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК —

Ислом Каримов:

Республикада фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ички ва ташқи сиёсатимизнинг муҳим таркибий қисмидир. Халқнинг бирлиги, жипслиги, тинч-тотувлиги бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

ЎЗБЕКИСТОН

улкан имкониятлар мамлакати

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди ва қатор амалий тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, Республика байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши катта воқеа бўлди. Натижада миллий маданиятлар ривожига кенг йўл очилди. Миллий маданий марказлар фаолияти гуркиради. 1992 йили миллий марказлар сони 10 та бўлган бўлса, 2002 йилга келиб 130 тага етди.

Республика байналмилал маданият маркази (РБММ) нинг асосий вазифалари республикамизда миллий муносабатларни уйғунлаштириш, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигининг муҳим омилларидан бири бўлмиш миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мавжуд марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга етакчилик қилиш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат, элатларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга, уларнинг ҳар бирига хос бўлган урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришда амалий, услубий жиҳатдан ёрдам беришдир.

Республикамиз ижтимоий ҳаётида турли миллат вакилларининг фаол иштирокини таъминлаш марказ фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис махсус дастурлар асосида кишилар ўртасида долзарб мавзуларга доир конференция, семинар ва давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказиб турилибди. Шунингдек, фестивал, ижодий кечалар, кўргазмалар ташкил этиляпти. Уларда турли миллат вакиллари фаол иштирок этишяпти.

Бундан ташқари, рус проваслав черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги, «Манас» эпосининг 1000 йиллиги, буюк аждодимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Навоий, Жомий, Абай, Пушкин, Махтумқули, Шевченко, Есенин, Мухтор Авезов, Чингиз Айтматов, имом Ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган тадбирлар ҳам тантанали нишонланди.

Марказимиз ва миллий маданият марказлари фаолияти доимо оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиб келинаётир. Мисол учун, амалга оширилаётган ишларимиз Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот», «Давр», «Ассалом Ўзбекистон», «Пойтахт» дастурлари орқали бериб борилаётир. Халқаро телеканал орқали эфирга узатилаётган «Ўзбекистон —умумий уйимиз», «Ягона оилада», уйғур тилида олиб борилаётган «Умид», қозоқча «Жетиген» ва «Дийдар», қирғиз тилидаги «Айчурек», тожикча «Меҳрангез», «Рангинкамон», татарча «Бизнен мерас», украин тилидаги «В доброй хате», корейсча «Чинсен» кўрсатувлари, радио орқали эшиттирилаётган қизиқарли эшиттиришлар, газета ва журналларда чоп этилаётган мақолалар фикримизнинг яққол далилидир.

Шунинг билан бирга жойларда «Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – барқарорлик омили», «Миллий ғоя–бизнинг ғоя»» мавзулардаги доимий амалий семинарларда турли миллат кишилари қатнашмоқдалар. Юртбошимизнинг «Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар – ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг» деган сўзлари фаолиятимизнинг дастуриламалидир.

Ҳар йиллик семинар машғулотлари материаллари асосида тўпламлар чоп этилиши анъанага айланган. Жумладан, сўнгги йилларда босмадан чиққан «Ўзбекистон – миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида», «Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик омили», «Миллий ғоя – бизнинг ғоя», «Ўзбекистон – умумий уйимиз» каби китоблар аҳоли томонидан қизғин кутиб олинди.

Марказимиз бугунги кунда «Обод маҳалла йили»га бағишлаб. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва миллий-маданий марказлар билан ҳамкорликда махсус дастур асосида қатор хайрли ишларни амалга оширяпти. Бу жиҳатдан мустақил мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг шаклланишида миллий-маданий марказларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, тадбирларни изчил амалга ошириш борасида олиб борилаётган изланишлар диққатга сазовордир.

Муножот НУРМАТОВА,
Республика байналмилал маданият маркази директори ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди

Бугунги кунда Қорақалпоғистон республикасида кўпдан-кўп миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Улар келиб чиқиши, дини, эътиқодидан қатъи назар ҳур Ўзбекистонимизнинг барча фуқаролари қатори бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Ҳак-ҳуқуқимиз, имтиёзлар Конституциямиз орқали мустаҳкамлаб берилган.

МУДДАОГА ОСОНЛИКЧА ЭРИШИЛМАЙДИ

Ҳар бир миллатнинг ўз урф-одати, анъаналари бор. Биламизки, собиқ шўро даврида худди шу бебаҳо нарса — миллатларнинг ўзига хослиги анчайин унитилаёзди. Биз ўша дамларда ота-боболаримиз маданияти, ютуқлари билан ростмана фахрлана олмадик. Бахтимизга Истиқлол қуёши порлаб, бағримизга шамол тегди. Эмин-эркин яшаш, ўз имкониятларимизни тўла намоён этиш имконига эга бўлдик.

Тарихдан маълумки, Қорақалпоқ халқи ҳамиша бошқа халқлар билан дўстона муносабатда бўлиб келган. Дўсту қадрдонлик илдизлари теран бўлиб, мумтоз шоирларимиз Ажиниёз ва Бердақ замонларига бориб тақалади. Ажиниёзнинг Хивадаги Шерғози мадрасасида таҳсил олиб, буюк шоир даражасига етишиши, қозоқ халқининг машҳур қизларидан бири — Қиз менеш билан айтишуви бугунги авлод учун ибратлидир. Не бахтки, эндиликда кўпгина мактабларда ўзбек, қозоқ, рус, туркман синфлари очилган. Яхши биламизки, оппоқ орзуларга ҳеч қачон осонликча эришилмайди. Хусусан, мустақилликни кун сайин мустаҳкамлаш учун қўлни қўлга бериб ишлашимиз, фидойилик, ташаббускорлик кўрсатишимиз даркор. Кўп болали она, зиёли сифатида маҳаллаларда, илм масканларида тез-тез бўлиб, ёшларимизни замона қадрига етиш, дўстликни улуғлаш, ҳунарли бўлишга ундайман.

И.АЛЛАҚУЛОВА,
ўқитувчи, Нукус шаҳри

КУЧ БИРЛИКДА!

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий-демократик жамият асосларини қуриш, тинчлик-тотувликни, тартиб-интизомни, миллатлар ўртасидаги меҳр-оқибатни юксалтиришда фаол қатнашиш «Ориёно»нинг доимий вазифаларидан ҳисобланади.

Расмий маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда бир миллиону икки юз эллик минг нафардан зиёд тожик яшайди. Уларнинг фарзандлари 339 та ўрта мактабда таълим тарбия олади. Педагогика олий ўқув юртларида тожик мактаблари учун махсус муаллимлар тайёрланади. Самарқанд давлат университетида эса биология, физика, тил ва адабиёт мутахассисликларининг тожик тили бўйича кадрлар тайёрлайдиган бўлимлари бор. «Ўзбекистон» нашриётида тожик мактаблари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалар чоп этилаяпти.

Ўзбекистонда тожик матбуоти мавжуд бўлиб, унга 1924 йили асос солинган. Ҳозирги кунда бу газета «Овози тожик» номи билан дунё юзини кўраётир. Унинг муассислари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Олий Мажлисидир.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида «Овози Самарқанд», Сурхондарё вилоятида «Садои Сурхон», Бухородаги «Бухоройи шариф» вилоят газеталари яна шунингдек, Сух, Косонсой, Самарқанд, Деҳқонобод, Сариосиё, Узун ва Денов туманлари газеталарининг бир саҳифаси тожик тилида босилади. Ўзбекистон радиосида ҳар куни ярим соат давомида тожик тилида эшиттиришлар олиб борилади. Ўзбекистон телевидениесининг биринчи ва «Дўстлик» каналларида тожик тилида кўрсатувлар намойиш этилади.

Ҳукуматимизнинг том маънодаги инсонпарварлик сиёсатидан руҳланган «Ориёно»нинг ҳар бир аъзоси, ўзбек ва тожик халқларининг ўзаро дўстона муносабатларини янада яхшилаш мақсадида барча имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Масалан, ўтган 2002 йилнинг июн ойида тожик тили куни кенг нишонланди. Делегациямиз Душанба шаҳрида бўлиб ўтган бутунжаҳон тожикларининг бешинчи анжуманида қатнашди. Тадбир давомида биз йигирма мамлакатдан келган меҳмонлар билан диққатга сазовор жойларни, жумладан, Исмоил Сомоний ёдгорлигини, музейлар ва кўргазмаларни бориб кўрдик. Ўз навбатида анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда юз бераётган иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар билан қизиқдилар. Биз уларга Ватанимизда рўй бераётган улуғвор ишлар, муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилиб бердик.

Ҳ. АБДУВАЛИЕВ,
«Ориёно» тожик миллий-маданий маркази раиси

БАҲОДИРЛАР МАСКАНИ

Ёшим 52 да. Миллатим немис. Бироқ Ватаним Ўзбекистон. Чунки мен шу ерда туғилдим. Меҳр, қадр топиб ўсиб-улғайдим.

Ўзбеклар бағри кенг миллат. Шу боис уларга хос бўлган хислатлар менга ҳам кўчган. Касбим педагог. Шунинг орқасидан обрў орттирдим. 1990-1995 йиллар Уйчи тумани сайлов участкасидан мени халқ депутатлари туман Кенгашига депутат этиб сайлашган эди. Бу кўнглимни тоғдек кўтарди.

Хуллас, ишлаб кам бўлмадим. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочисиман. Юртбошимизнинг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони орзуларимнинг қанот ёзишига имкон берди. Натижада вилоят ва туман раҳбарларига қишлоқда ўйингоҳ қуриш ҳақидаги фикрларимни баён этдим. Улар мени қўллаб-қувватлашди. Пировардида ажойиб ўйингоҳ ишга тушди. Уни «Соғлом авлод маркази»га айлантириш хусусидаги таклифим бошқаларга ҳам маъқул бўлди. Мен эса марказ раҳбари этиб тайинландим.

Марказда 15 та спорт тури бўйича шуғулланиш ёки мусобақалар ўтказиш мумкин. Шароит жаҳон стандартлари талабига мос келади. Қишлоқ аҳли марказ атрофига минг тупдан ортиқ турли дарахт кўчатларилари экди, гулзор бунёд этди.

Камтарин меҳнатим қадрланиб «Соғлом авлод учун» орденини олган куним она Ўзбекистонга янада кучли меҳр қуйдим. Яқинда бошқа вазифага ўтказилдим. Энди туман миқёсида болалар спортини ривожлантиришда фаол иштирок этаяпман.

В.ВАХТЕЛЬ,
Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Уйчи туман бўлими етакчи мутахассиси

САОДАТ ВА САДОҚАТ

Асли ярославлликман. Тақдир тақозоси билан бу ёқларга келиб қолдим. Она шаҳримни жонимдан ортиқ кўрардим. Асов Волга дарёсининг тўлқинларига термулиб орзу қилишни, хаёл суришни яхши кўрардим. Ҳарбий хизматга борган кўркам ўзбек йигити кўнглимни асир этди. Унга эргашиб Қашқадарё вилояти Камаши туманига йўл олганлигимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Исмадиёр билан ёмон яшамадик. Етти нафар фарзандни оқ ювиб оқ тараб вояга етказдик. Ёшим 60 дан ошди. Ўтган йили умрдошим бандаликни бажо келтирди. Нолимайман, чунки паҳлавонкелбат ўғилларим, паридек қизларим бор. Набиралар ҳам бир этак. Қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар оқибатли ажойиб инсонлар. Улар мени севишади, ардоқлашади. Ўзим ҳам маҳаллий аҳолига сингиб кетганман. Асосан, қамашиликлар лаҳжасида сўзлайман. Овсинларим, опа-сингилларим менга рўзғор тутиш сирларини миридан-сиригача ўргатишди. Тандирда ширмой нонлар ёпаман. Сигирим, товуқларим бор. Куёвларимнинг аксарияти ўзбек. Ўртанча қизим Надя озарбайжон йигитига турмушга чиқди. Фарзандларимнинг ҳаммаси ҳам эсли-ҳушли. Қизим Светлана чевар. Саккиз нафар боласи бор. Ўғлим Алишернинг эса уч нафар фарзанди бор. У болаларининг барчасига ўзбекча исм қўйган. Искандар, Исмадиёр ва Ойгул. Алишер яхшигина тадбиркор. Меҳнати орқасидан обрў топиб юрибди. Қизим Ольга педагог. Тошкент шаҳрида яшайди. У ҳам ўзидан тинган. Норгулим яқинда Тошкентга кўчиб кетди.

Тақдирнинг ўйинларини қаранг, муҳаббат кўйида Лайли бўлиб Ўзбекистонга келиб эдим. Икки нафар фарзандим менинг киндик қоним томган гўшани макон этишди. Россиядан ниҳол бўлиб келиб, Ўзбекистонда томир отган улкан дарахтман. Меваларим кўп, бири-биридан ширин.

Валентина ПЕТРОВА,
меҳнат фахрийси

ҚАЛБДА ЗЎР ОРЗУ БИЛАН

Биргина Наманган вилоятида 20 минг нафарга яқин қирғизлар бошқа миллат ва элат вакиллари қаторида осуда умргузаронлик қилишмоқда.

Қирғиз миллий-маданий марказининг Наманган вилоят бўлими ташкил этилганидан буён намунали фаолият кўрсатди ва кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ўтказилаётган байрам тантаналари бу ердаги аҳолини мамнун этяпти. Айниқса, «Дўстлик дарахти» мавзуидаги тадбирлар ёшлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнамоқда.

Қўшни Қирғизистон республикаси миллий-маданий марказлари билан яхши алоқа ўрнатилган. Дўстлик, қардошлик байрамлари, фестивалар туфайли борди-келди муносабатлари йўлга қўйилган. Масалан, Ўш шаҳрида бўлиб ўтган концерт барчага катта қувонч бахш этди. Сўнг қирғизистонлик санъаткорлар Наманганга келишди.

Ҳозирги пайтда вилоятда 7 та қирғиз мактаби мавжуд бўлиб, унда 1042 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Шунингдек, Уйчи туманидаги 45-, Янгиқўрғон туманидаги 35-, 56-мактаблар, Учқўрғон туманидаги 34-мактаб, Косонсой туманидаги интернатларда ҳам қирғиз тилида сабоқ берилаётир. Юқоридаги мактабларда турли йўналишдаги тўгараклар фаолият кўрсатяпти. Мактаб кутубхоналари эса етарли даражада қирғиз тилидаги дарслик ва адабиётлар билан таъминланган.

Хуллас, бахтли гўшада бошқа миллатлар қаторида биз қирғизлар ҳам яхши ҳаёт кечирмоқда.

М.ИСТАМҚУЛОВА,
Қирғиз миллий-маданий маркази Наманган вилоят бўлими раиси

САХОВАТ

Ромитан туманидаги 45-ўрта мактабнинг 15 нафар аълочи ўқувчилари "Ражаб бобо" фермер хўжалигининг стипендиясини оладиган бўлдилар.

Мазкур мактабда асосан фермерларнинг фарзандлари ўқишади, - деди фермер хўжалиги раҳбари И. Сирожев "Туркистон-пресс" мухбирига. Улар орасидан фақат "аъло"га ўқийдиган 15 нафар бола стипендияга муносиб кўрилди. Фермерларнинг умумий йиғилишида аълочи ўқувчиларга олинаётган даромаддан ҳар ойига бир ойлик энг кам иш ҳақи миқдорида стипендия тўлашга қарор қилинди.

Туманда бундай саховатли фермер хўжаликлари анчагина. Хусусан 11 та хўжалик мактабларни таъмирлашга моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

ФЕРМЕР

мулкдорлар синфининг истиқболли вакили

Маъруфжон фермерликни Баликчи туманида биринчилардан бўлиб бошлаганди. Ўшанда баъзи оғзига кучи етмаганлар кетмонни сопини ушламаган зиёлидан деҳкон чиқармиди, деб орқасидан кулгандилар.

Орият ўлимдан қаттиқ, дейдилар. Узунқулоқ гаплар етиб борганми. Маъруфжон бола-чақасини ёнига олиб даладан бери келмади. Ёзнинг чилласида белбоғига тошфонар осиб эгатларга сув тарар, уйқусизликдан баъзан кетмонга суяниб мудраб кетарди. Кундузлари эса сарин елда чайқалаётган баравж ғўзаларга, улардаги маржондек тизилган бўлиқ кўсакларга тикилиб чарчоқларини унутарди. Ундан олтиндек товланаётган ғаллазорга ўтиб мўл ҳосилдан нишона бераётган салмоқдор бошоқларни оралаб юришдан толиқмасди.

Ерни ўпиб, тупроқни искаб чеккан захматлари зое кетмади. Пайдарпай икки йил пахтадан 35 центнердан, буғдойдан 60 центнер хирмон кўтарди.

Ўтган йил фермер учун омадли келди. Гектаридан 60,4 центнердан пахта, 80 центнердан ғалла етиштирди. Давлатга кўзланганидан 20 тоннадан зиёд пахта хомашёси, 10 тоннага яқин буғдой сотилиб шартнома мажбуриятларини ортиғи билан уддаладди.

Ҳар бир кубометр сув, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи, улардан тежамли фойдаланиш, мулкдорнинг эътиборида. Ўтган йили шу ҳисобга пахтадан 3 миллион сўм, ғаллачиликдан ярим миллион сўмга яқин соф даромад олинди.

Меҳнат қилаётган 11 нафар ишчининг ҳар бирига бепул буғдой пахта мойи тақсимланди. Ишчиларнинг фарзандларини бепул ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминлашда ҳам фермер ҳиммат кўрсатди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, яъни сув, газ тармоқларини таъмирлашга анчагина харажат қилинди. Шераличек қишлоғи аҳолисининг газ ва сув бўйича коммунал тўловларини фермер ўз маблағидан қоплади.

– Бу йилдан ҳам умид катта, - дейди «Олимжон ҳожи ота» фермер хўжалиги бошлиғи Маъруфжон Насриддинов. – Режага қўшимча 10 тонна пахта, 8 тонна буғдой тайёрлашни мўлжаллаганмиз. Плёнка остига экилган чигитлар бўй кўрсатиб қолди. Ғалла майсаларини ўғитлаш, суғориш сингари юмушлар авжида.

С. РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ОГОҲУ ҲУШЁР ЯШАЙЛИК

Илгарилари ҳам Хоразмда ўзбек ва туркманларнинг аждодлари аҳиллиқда яшашган. Икки миллатнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонида тараннум этилган.

Бугунги кунда дўстлик ришталари янада мустаҳкам. Туркман халқининг оташнафас шоири Махтумқули яшаган ҳужрада хотира-музей ташкил этилди. Унинг ҳайкали эса Хива педагогика билим юрти олдидаги майдонда савлат тўкиб турибди. Шунингдек, иқтидорли шоир ва таржимон Нурмуҳаммад Андалиб шахсига ҳам Хоразмда эътибор катта.

Ўзбекистон-Туркманистон дўстлик маркази истиқлол мевасидир. Тўй-ҳашамлар ва бошқа тадбирлар биргаликда ўтказилади. Мисол учун, Исмомут ота, Юсуф Ҳамодоний, Нажмиддин Кубро ҳамда «360 авлиё» каби қадамжоларда ўзбек ва туркман халқининг биргаликда ташкил этган тадбирлари кўпчиликка маъқул бўлди.

Т.ДОСЧАНОВ,
Ўзбек-туркман дўстлиги ва маданий-маърифий алоқалари жамияти Хоразм бўлими раиси, профессор

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ!

ШУ ЗАМИНДА ҚАДР ТОПДИК

Миллий-маданий марказимиз ташкил топганига 11 йил бўлди. У айни пайтда вилоятдаги 61 мингдан зиёд қозоқ миллати вакилларини ўзаро бирлаштириб, эзгу ишларга бош-қош бўлиб келмоқда. Қозоғистонлик қариндош-уруғларимиз, дўстларимиз билан доимий равишда алоқа қилиб келаяпмиз. Сўнгги вақтлар эл севган шоир ва ёзувчилар билан қизиқарли учрашувлар ташкил этдик. Бошқа миллат ва элат вакиллари қатори ўзбеклар билан қадрдонлашиб, қуда-қудағай бўлиб кетганмиз.

Таъкидлаш жоизки, шу заминда яшаётганлигимиздан барчамиз мамнунмиз. Ҳурмат-эътибор жойида. Қатор хўжаликлар, мактаблар, кўчалар ва хиёбонлар қозоқ халқининг ардоқли фарзандлари номи билан юритилаяпти. Бу ҳол бизни янада руҳлантиради. Эндиликда 38 та мактабда қозоқ тилидан дарс ўтилади. Мирзачўл агроиқтисодиёт коллежида эса ўқиш жараёни қозоқ тилида олиб борилади. Шунингдек, қозоқ мусиқа драма театри ҳам мавжуд бўлиб, унга севимли шоиримиз Анарқул Қулманов номи берилган. Яқинда Мирзачўл туманидан театр учун ҳашаматли маданият саройи ажратилгани барчамизни қувонтирди.

У.ТЎЛИБОЕВ,
Жиззах вилояти Қозоқ миллий-маданий маркази раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби

ТАҚДИРИМДАН РОЗИМАН

Қўлни қўлга бериб ишлаётган қирим татар миллатига мансуб кишилар ҳам Ўзбекистон равнақига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги, дўстга садоқати мени ҳамиша лол қолдирган. Деярли 60 йилдан буён бунга қайта-қайта ишонч ҳосил қилганман. 1942 йили отам урушда ҳалок бўлди. Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолдик. Ўшанда саккиз ёшда эдим. Марғилондаги хонадонлардан бирида яшаганимизда ўзбекларнинг меҳрини туйганман. Онам комбинатда ишлай бошлади. Оғир дамларда яхшилар бир-биридан нонларини, ширин сўзларини аяшмади.

Вақт ўтиши билан шу заминга меҳр қўйдик, кўплаб дўстлар орттирдик, тақдирларимиз туташиб кетди. Иш фаолиятимни Ангрен шаҳридаги автокорхонада бошлаганман. Садоқатимни амалда намойиш этиб, зилзиладан вайрон бўлган Тошкентни қайта қуришда фаол иштирок этдим. Кейинчалик омадим юришиб, картон яшиклар тайёрлаш комбинатига раҳбар этиб тайинландим. Эндиликда, кўп миллатли жамоамизни бамисоли камалак жилосига ўхшатаман. Унинг энг ёрқин одамлари шубҳасиз эътиқодли, ишбилармон кишилардир. Сўнгги йилларда корхона экспорт имкониятлари кенгайди. Буларнинг ҳаммаси истиқлол шарофатидандир.

Ш.ОСМАНОВ,
Ангрендаги картон идишлари комбинати директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими

Грузин қизиман. Ота-онам Батуми шаҳридан. Улар ўз юртини қўмсаб туришади. Биз акам, укам учаламиз Тошкентда вояга етдик.

ДЎСТЛАРИМ – СУЯНГАН ТОҒЛАРИМ

Батуми гўзал шаҳар. Қора денгизнинг асов тўлқинлари дилга ҳаяжон солади. Қариндошларимизнинг уйлари денгизга яқин. Борганимизда дераза оша соатлаб ҳад-ҳудудсиз уммонга термулиб ўтираман. Юрагим жўшиб кетади. Тошкентни, уйимизни, қўни-қўшниларимизни, айниқса, энг яқин дугонам Азизани жуда соғинаман. Тезда ортга қайтамиз. Акам денгиз флоти зобити. Анча вақт АҚШда хизматда бўлди. Ўша пайтлари телефон тинмас, акам деярли кун ора қўнғироқ қиларди. Бизни, Тошкентни, бу ердаги жонажон дўстларини қаттиқ соғинарди. Яқинда Тошкентга келди. Уйимиз, кўнглимиз тўлди. Ўзи эса шундай бахтиёр эдики, қувончдан кўкси тоғдек юксалиб юрди.

Маҳалламиз тинч, осуда яшаймиз. Уни «байналмилал маҳалла» деб аташ мумкин. Негаки, бу ерда ўзбеклар билан бир қаторда бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилади. Ўзбек, рус, молдован, қозоқ, арман, татар, уйғур, поляк оилалари билан борди-келди қиламиз. Байрамларда бир-биримизни қутлаб таомлар улашамиз. Мисол учун Арафа куни ўзбек қўшниларимиз киритган палов ва пишириқларни севиб тановул қилдик. Ўз навбатида биз ҳам уларга ҳиммат кўрсатамиз. Хуллас, ўтаётган кунлар ғоят шукуҳли. Кўнгилларимиз кўринмас нурлар орқали туташган. Меҳр-оқибат, эзгулик бизни улкан мақсадлар сари етаклайди.

Фати ЛАБАДЗЕ,
шифокор

Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати. Айни пайтда у буюк орзу-умидлар, якдиллик, ҳамжиҳатлик, биродарлик юрти. Турли миллат вакилларининг энг эзгу ниятларини муштарак этган, шонли тарихга ва буюк келажакка эга бўлган улуғвор хонадон.

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Меҳнатсевар ва тиришқоқ уйғурлар бугунги кунда республикамиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишаётир. Улар ҳозирга келиб 250 минг нафардан ошиб кетди. 112 нафар олимнинг 12 нафари мамлакатимиз фанига катта ҳисса қўшаётган фан докторлари, профессорлардир.

Бувим андижонлик уйғурлардан эди. 1963 йилда Ўзбекистонга кўчиб келдик. Ўшанда ҳали бола эдим. Мактабни шу ерда битирдим. Ҳозир дўконда ишлайман. Топиш-тутишим яхши. Севимли рафиқам, уч нафар фарзандим бор.

Истиқлол йўлимизни янада ёруғ этди. Нажот Ниёзовдек тадбиркор дўстимнинг гапига кириб, ночор бир фирмани сотиб олдим. У кун сайин ривожланиб бораяпти. Сомсахона, кабобхона, ошхона, бар ва кафе ҳамиша хўрандалар билан гавжум. Даромад ҳам чакки бўлаётгани йўқ. Баҳоли-қудрат етим-есирларга, қарияларга, маҳаллага моддий ёрдам бераяпмиз. Яқинда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан маҳалла аҳли бизнинг ошхонада тадбир ўтказишни режалаштираяпти.

Ғулжалик эдим, ризқ-насибам Ўзбекистонга сочилган экан. Ўзбек ва бошқа миллат вакилларига дўстлик меҳрини туйиб яшаяпман.

Н. ТЎХТАЕВ,
Тошкент шаҳридаги «Нозик шабада» хусусий фирмаси аъзоси

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Дўст – дўстига жонин қилади қўлин қалқон,
Дўстдан ҳам яхшироқ борми ҳеч инсон?

Носир Хисрав

* * *

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун

Рудакий

* * *

Дўст дема гар нозу неъмат устида,
Урса лоф: «Дўстимсан, азиз, меҳрибон».
Дўст удир – дўстига чўзади қўлин
Дўсти бўлганида ночор, нотавон.

Саъдий Шерозий

* * *

Дарахт илдизи билан кучли, одам дўстлари билан.

Грузин мақоли

Дўстлик – барча бойликдан афзал.

* * *

Дўст сўзини ташлама,
Ташлаб бошинг қашлама.

Ўзбек мақоллари

Ҳақиқий дўстлик – сувдек зилол,
Қалбаки дўстлик – туз қўшилган асал.

Хитой мақоли

САБАНТЎЙ – МИЛЛИЙ БАЙРАМИМИЗ

Татар – бошқирд миллатининг миллий байрами Сабантўй Бухорода кенг нишонланади. Бир пайтлар уни байрам қилишнинг иложи йўқ эди. Овора-ю сарсон бўлиб Бошқирдистон ва Россиянинг татарлар яшайдиган минтақаларига боришга тўғри келарди. Истиқлол бизга катта имкониятлар берди. Миллий қадриятларимизни қайтарди.

Ўтказилаётган тадбирлар доимий равишда радио, телевидение ва вилоят газеталарида кенг ёритилади. Марказимиз эса барча тадбирларнинг ташкилотчиси бўлаётир.

Бундан ташқари, биз рус, немис, поляк, яҳудий, тожик, турк, туркман миллий марказлари билан ҳамжиҳатликда иш юритмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, ҳаммамиз бир бўлиб халқларимизнинг мазмунли ҳаёт кечиришлари учун, ягона Ватан туйғуси, ўзаро ҳурмат, хайрихоҳлик каби сифатларни тарбиялашда ташаббус кўрсатиб ишламоқдамиз.

Г.ГИБАДУЛЛИН,
Бухоро вилояти Татар – бошқирд миллий-маданий маркази раиси

ЯГОНА ОИЛАДА

Бизнинг «Светлица польска» деб юритиладиган маданият марказимиз Ўзбекистонда яшаб келаётган поляларнинг урф-одатлари, қадриятларини тарғиб қилишда, ўзбек халқи анъаналари билан уларни яқиндан таништиришда, биродарликни мустаҳкамлашда кўприк вазифасини ўтайди. Бу ерда биз сингари турли миллат вакиллари сероб. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон, деб аталмиш жаннат макон ўлка барчамиз учун ягона Ватандир.

И.ТАГИЕВА,
Польша маданий маркази раҳбари

БИЗ ҲАМ ҚАТОРДА БОРМИЗ

Бошқа миллатлар қатори биз Охисха турклари ҳам ўз бахтимизни шу муқаддас заминдан топдик. Истиқлол шарофати ила миллий-маданий марказимиз шаклланди ва ўз ўрнига эга бўлди.

Бугунги кунда марказнинг 2 та вилоят ва пойтахт бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Орзуларимиз кўп, мақсадимиз эзгуликка хизмат қилиш. Шу боис талай амалий-ташкилий тадбирларни амалга оширяпмиз. Айни чоғда миллатимиз юрагида ўзбекистонлик барча юртдошларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат жўш уриб турибди.

У.СОЛМАНОВ,
Турк миллий-маданий маркази раиси, «Дўстлик» ордени нишондори

ҲАММАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

Куйганёрдаги бетон-таъминот корхонаси ўтган 2002 йилни 3 миллион 280 минг сўм соф фойда билан якунлаган эди. Бу ерда маҳсулотларнинг харидоргир турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига бу йил ҳам жамоа самарали одим ташламоқда. Айниқса, жамоанинг безакли плиталарига, йўллар четига қўйиладиган бетон тўсиқларга, зина тутқичларига талаб тобора ортиб бормоқда. Ишлаб чиқаришдаги янги ўзлаштирилган бетон черепицалар истеъмолчилар эътиборини қозонди.

ТАДБИРКОРНИНГ СИФАТЛИ МЕБЕЛЛАРИ

Избоскан туманидаги «Лочин» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган мебеллар ўзининг сифатлилиги ва пишиқ-пухталиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Айниқса, стол-стуллар, диван-кроват ва серванталар бежиримлиги, миллий урф-одатларимизга мослиги билан тобора шуҳрат топиб бораётир.

О.ЭРГАШЕВ

БАХТЛИ АЁЛМАН

Илгарилари ошхонамиз дастлаб 50 ўринли эди. Хўрандаларга корейс миллий таомларинигина таклиф қилардик. Мустақиллик шарофати билан кафемизни кенгайтирдик. Бугунги кунда у 250 ўринга эга. Иш икки сменада давом этади. Ошпазларимиз хўрандаларга миллий, европа ҳамда корейс таомларини пишириб беришмоқда. Фаолиятимизни кенгайтиришда туман ҳокимлиги катта ёрдам кўрсатди.

Мижозларимиз турли миллатга мансуб бўлганлиги туфайли хизматчиларимиз ҳам шунга мослашган. Нархлар бошқа жойларга қараганда анча арзон. Шу боис ошхона «Каталог-2003» танловида Ўзбекистоннинг энг яхши кафе ва ресторанлари сафидан ўрин олди.

Мен бахтли аёлман. Турмуш ўртоғим Владимир Хан қишлоқ хўжалиги сохасида ишлайди. 2 нафар фарзандим, 3 нафар неварам бор. Бектемир тумани хотин-қизлар қўмитаси аъзоси сифатида турли тадбирлар, жамоат ишларида қатнашаман. Ҳозирги кунда янги 400 ўринли ошхона қуриб, туман аҳлига хизмат қилишни ният қилиб юрибман. Шу гўзал масканда ўз ўрнимни, бахтимни топдим. Ҳар қадамда қўллаб-қувватлаган ўзбеклардан бир умр миннатдорман.

Надежда ПАК,
Бектемир туманидаги «Корё» хусусий фирмаси раҳбари

Ишчи Владимир Кобакин иш пайтида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Уч нафар фарзанди чирқиллаб қолди. Аммо у хизмат қилган жамоа бу қулфатга бефарқ қараб турмади. Марҳум хонадонига моддий кўмак кўрсатилди. Балоғат ёшидаги ўғли Алексей отаси ўрнига ишга қабул қилинди.

БИР КОРХОНА ИШЧИЛАРИ

Ўзбекистон темир йўллари Ховос локоматив депоси жамоаси инсонийликни ўзларига шиор қилиб олганлар. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ходимларга шарт-шароит яратиш билан бир пайтда, савобли ишларни ҳам канда қилишмаяпти. Оддий бир мисол. II гуруҳ ногирони Илҳом Дадажонов оиласи уйсизликдан кўп қийналди. 4 нафар фарзанд билан рўзғордан орттириб, уй солиш ёки сотиб олишга қурблари келмасди. Ногироннинг танг ҳоли депо жамоаси назаридан четда қолмади. Корхона ҳисобидан Янгиер шаҳридан уй харид қилиниб, унинг оиласига туҳфа этилди. Барвақт оламдан ўтган ишчи Илҳом Абдураззоқов уйи ташкилот ҳисобидан таъмирдан чиқарилди.

— Корхонамизда вагонлар таъмирдан чиқарилади, - дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Иброҳим Худойназаров. — Бу юмуш 330 нафар кишини банд этади. Иш енгил эмас. Аммо уни ошиғи билан уддалашга эришаяпмиз. Ходимларга барча афзалликлар яратилган. Ўртача ойлик маош 55 минг сўмни ташкил этаётир.

Бир неча миллат вакилларидан ташкил топган жамоани ижтимоий муҳофазалаш, уларга иш шароити яратиш жамоа шартномаси асосида ташкил этилган. Ўтган фурсатда меҳнат муҳофазаси учун 723 минг 116 сўм сарфланган бўлса, йил охиригача бу кўрсаткич 5 миллион сўмдан оширилиши кўзда тутилаётир. Ўтган йил якуни бўйича ишчи-ходимларга ойлик маошига қўшимча 5 миллион 949 минг сўмлик моддий кўмак берилди. Соҳада ишлаб, айни чоғда қарилик гаштини сураётган 236 нафар пенсионер 1 миллион 893 минг сўмлик моддий мадад олди. Махсус кийим-бошларга 3 миллион 450 минг сўм сарфлаш кўзда тутилганди. Амалда бу кўрсаткич 4 миллион 605 минг сўмга уддаланди. Ётоқхонада турувчи ишчиларга уй ҳақи ҳисобида 348 минг сўм тўлаб берилди. Ишни ташкил этишда енгил жароҳатланганлар саломатлигини мустаҳкамлаш, иш қобилиятларини тиклашлари учун 1 миллион 620 минг сўм миқдордаги маблағ сарфланди.

Корхона қошида 60 ўринли ошхона фаолият кўрсатиб турибди. Барча жиҳозлар билан таъминланган спорт зал фаолияти йўлга қўйилган. Ишчиларнинг бўш пайтларида саломатликларини муҳофазалашга, чиниқиши учун барча имкониятлар яратилган. Муҳими шундаки, барча спорт ашёлари харид қилиниб, жамоа ихтиёрига топшириб қўйилган. Ишчилар махсус спорт мутахассислари кўмагида шуғулланиши, таналарни зўриқишдан асраб, меъёрида машқлар бажариш чоралари кўрилган.

Янги иш ўринлари яратиш, ходимларни иш билан таъминлаш зарур чоралари кўрилаяпти. Биз ғилдиракларни таъмирлаш цехида бўлиб ишчилар фаолияти билан танишдик. Цех бошлиғи Зулфия Қорабаевага ҳавасимиз келди. Забардаст эркакларни ҳам шоширадиган юмушни бу аёл чапдастлик билан уддаламоқда. Зулфия бошлиқ цех сифатли ва бенуқсон иши билан илғорлар сафига кирган.

— Ишга келган ҳар бир ходим саломатлиги устидан қатъий назорат ўрнатганмиз, - дейди тиббиёт ходими Светлана Борисова. — Барча замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббий хоналаримиз бор. Бугун ишчи Шуҳрат Рўзиевнинг саломатлиги жойида эмаслигини аниқлаб, вақтинчалик иш фаолиятини чекладик. У керакли тиббий муолажалар олгач, яна ишга рухсат этилади.

Обод маҳалла йили муносабати билан ҳудуддаги

Меҳру оқибат

«Дўстлик» маҳалласига 163 минг сўмлик ободончилик ишлари бажариб берилди. Шунингдек, Ховос қўрғонидаги 15-мактаб спорт зали таъмирдан чиқарилди. Таълим даргоҳига жами 915 минг сўмлик моддий кўмак кўрсатилди.

Темирйўлчилар ободончилик-кўкамламзорлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ҳудудда боғ, фаввора мажмуасидан иборат дам олиш хиёбони барпо этилаётир. Бу мақсадларга 3 миллион 400 минг сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

Орзигул Ҳамроева тарихи асрларга тенгдош Бухоронинг Жондор туманидан. 10-синфда ўқиётган бу қизнинг қалби шеърга, назмга ошён. Унинг шеърларида қуёшнинг тафти, мукаддас замин нафаси, меҳнаткаш халқ қалби, беназир аждодлар тафаккур ёғдуси нур сочиб туради.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти сохибаси бўлган бу зукко қизнинг «Меҳр гули», «Оқ кабутар», «Ҳайрат бешиги» каби китоблари аллақачон тенгдошлари кўнгил мулкига айланган. Умид киламизки, Орзигул шеъриятда устозлари йўлидан бориб, катта довонлардан ошади.

ҚУЁШНИНГ КЎЗЛАРИН ҚАМАШТИРОЛСАМ

Истагим: йўл юриб, нурлар таратиб,
Қуёшнинг кўзларин қамаштиролсам.
Гўзаллик оламин ўзга қаратиб,
Ҳатто Ой юзини уялтиролсам.

Қадам босганимда мамнун, оҳиста,
Замин тутса экан менга гулларин.
Ашъор битса экан ажиб ҳавасда,
Булбул бийрон айлаб чучук тилларин.

Сойлар мавжланганча оқсалар экан,
Рангин ҳадя этса кошки камалак.
Қанотимда олиб юргум сени деб,
Кошки айтса эди сулув капалак.

Гулоб тутар эдим ҳар йўловчига,
Чунки мен соф туйғу – Ҳайрат қизиман.
Дунёни бош-оёқ беғам кўрай деб,
Юрган Орзигулман – юртим кўзиман...

ЎРТОҚ ТУТИНДИМ

Сўлим-сўлим сойлар шарқираб,
Мажнунтолдай сочларим тараб,
Хаёлларим нурларга ўраб,
Қуёш билан ўртоқ тутиндим.

Кўз ёш тўкмай тунд булутдайин,
Тебранганча майса, ўтдайин,
Қулоч ёзиб сор бургутдайин.
Қуёш билан ўртоқ тутиндим.

Қуёш ахир, олам меъмори,
У бор – яшнар ҳаёт баҳори,
Ёнсин десанг умр наҳоринг,
Сен ҳам унга ўртоқ тутингин...

* * *

Эзгу тилак ҳамроҳ бўлса ҳар бир қадамда,
Ҳамроҳ бўлса яхшиликлар ҳар бир одамда.
Оппоқ тонглар, азиз онлар, ширин лаҳзалар,
Нур таратгай тинчлик бўлиб турфа оламда...

Орзигул ҲАМРОЕВА

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Болалар спорти

УМИД НИҲОЛЛАРИ

Нишон туманидаги Майна Ҳасанова номли мактабнинг 7-синф ўқувчиси Саҳобат Бойназарова ўзининг билимдонлиги ва зукколиги билан бошқалардан ажралиб туради. Қишлоқ қизининг яна бир севимли машғулоти, бу каратэ билан шуғулланишдир.

Саҳобат ашиҳара тури бўйича республика мусобақаларида қатнашиб, иккита олтин медални қўлга киритди. Эндиликда у Данияда ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда иштирок этади.

Қарши шаҳридаги 12-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Умида Чоршанбиева эса Фарғона шаҳрида шоҳмот бўйича республика чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, шу йилнинг октябр ойида Испанияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида мамлакат шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Яқинда Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида боғча тарбияланувчиларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Болалар ўртасидаги мусобақаларда «Ҳавас» теннис клуби вакили, беш ёшли Гўзал Юсупова ва «Дилором» болалар боғчаси тарбияланувчиси Тимур Абязов чиройли ўйин кўрсатиб, ракетка ва тўплар билан мукофотландилар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири



Ўйлаб топилмаган ҳангомалар

КЕН— ГУ— РУ

Европаликлар Австралияга илк саёҳати даврида ажабтовур ҳайвонга дуч келишди. Уларга жуда кулгули кўринган икки оёғида сакраб-сакраб юрувчи бу ҳайвоннинг қорнида каттагина "чўнтаги" бўлиб, унда боласини олиб юрарди.

Меҳмонлар унга жуда қизиқиб қолишди ва бир австралияликдан «Бу нима?» деб сўрашди.Австралиялик эса, у «Кен-гу-ру» деб жавоб берди.

Шундан сўнг бу ҳайвон Кенгуру деб аталадиган бўлди. Орадан йиллар ўтиб, европаликлар «Кен-гу-ру» сўзи австралияликлар тилида «Билмайман» деган маъно беришини билиб олишди.

ЁҚИМТОЙ ҲАШАРОТ

Машҳур зоолог ҳашарот ва ҳайвонларни беҳад севар эди. Бир куни академиядаги зиёфатда у ниҳоятда гўзал аёлни рақсга таклиф қилди. Олим аёлга хушомад қилиб шундай деди:

- Сиз мен учратган барча ҳашаротлар ичида энг ёқимтойисиз.

Немисчадан Улуғбек ИМЯМИНОВ таржимаси

Жалолиддин Румий

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ҲАҚИҚАТИ

Қадим замонда бир бойнинг кўпгина қуллари бўлиб, улар орасида ёш Луқмон ҳам бор эди. Бошқа қуллар боғда мева теришаётганида енгилтаклик қилиб, ҳар гапга хохолаб, мева тергандан кўра кўпроқ ейишар эди. Луқмон эса боғбоннинг ўзи бермагунча ҳеч нарса емасди. Бошқа қуллар ўзлари очкўзлик билан олма, узумларни еб, Луқмонни масхара қилишарди. Боғбон келганида улар Луқмонни кўрсатиб:

— Мана бу қулингиз жуда очофат экан, меваларнинг кўпини еб қўйди, - деб туҳмат қилишди. Улар энди хўжайин Луқмонни калтаклатиб таъзирини беради, томоша қиламиз, деб ўйлашарди.

Боғбон ақлли одам эди. У Луқмонни ўз ҳузурига чақириб:

— Ростдан ҳам кўп мева едингми? - деб сўради.

Луқмон Худони ўртага солиб онт ичмади, бошқача йўл тутди.

— Ҳақиқатни аниқлаш осон, - деди у хожасига.

— Қандай қилиб? - сўради боғбон.

Луқмон бундай маслаҳат берди:

— Мева терувчиларга қайнамаган илиқ сув ичиринг. Сўнг барчамизни далаю қирда роса югуртиринг. Шунда ким мева егани маълум бўлиб қолади.

Боғбон Луқмоннинг айтганини қилди. Қулларни тўплаб, барчасига қайнамаган илиқ сув ичирди. Сўнг қўлига қамчи олиб, ҳаммасини дала ва қирларда роса югуртирди. Олма, узумларни кўп еганлар тез орада ҳолдан тойиб, қоринлари оғриб, қайт қилишди. Луқмон ҳам қайнамаган сувдан ичган эди. Аммо қайт қилганда фақат қуруқ сув тушди. Мевани кўп еганлардан эса...

Боғбон яна барча қулларни йиғиб:

— Қани айтинг-чи, мева-чевани берухсат Луқмон еган эканми ёки бошқаларми? - деб барчасини эллик даррадан уришни буюрди.

Боғбон Луқмонни ҳалоллиги учун ҳурматлаб бошқа ишга ўтказиб, ўзига яқинлаштирди.

Изоҳ: ўзлари нопок бўла туриб, покиза одамларни масхара қилиб куладиган енгилтак одамлар дунёда, афсуски, ҳали ҳам кўп. Улар яхши, виждонли одамларни мазах қиладилар, аммо Ҳақ таоло уларга синов юборганида нопокликлари ошкор бўлиб, шарманда бўладилар.

Насрий баён ва изоҳ муаллифи
Маҳкам АНДИЖОНИЙ

КРОССВОРД

Ёйлар бўйича: 1.Кўриш аъзоси қиёми. 2.Халқаро кенглик муассасаси жойлашган маскан. 3.Соҳибқирон Амир Темур даврида қўлланилган пул бирлиги. 4.Пойтахтимиз вилоятидаги шаҳар. 5.Аҳоли энг зич жойлашган вилоят. 6.Ватанпарварлик тимсоли мазмунидаги жангномалардан бири. 7.Автомобил маркаси. 8.Ўзбек шифокори, кўз касалликлари мутахассиси. 9.Чорвачилик маҳсули. 10.Зеб-зийнат буюми. 11.Шаклланаётган иқтисодиёт. 12.Мақом мулкининг султони, академик. 13.Тошкентнинг кўҳна дарвозаларидан бири. 14.Торли мусиқа асбоби. 15.Қадимий карвон йўлларидаги манзил. 16.Самарқанд вилоятидаги туман. 17.Бастакор ва дирижёр, халқ артисти. 18.Умрибоқий дарахт. 19.Бухоро яқинидаги шаҳар. 20.Ўзбекистон халқ рассоми. 21.Ёшлар жамғармаси. 22.Машҳур рақс гуруҳи. 23.Фарғона водийсидаги дарё. 24.Самарқанддаги XIV асрга мансуб меъморий обида, мақбара. 25.Ўймакор нақкош, устоз меъмор. 26.Туркистон тизма тоғларининг шимолиғарбидаги қўриқхона. 27.Халқ рақс куйи. 28.Биринчи ўзбек кинооператори. 29.Металлурглар шаҳри. 30.Қуруқ мева. 31.Нон тури. 32.Эстрада санъати намояндаси, халқ артисти. 33.Мурод Муҳаммад Дўст романи. 34.Алишер Навоий достони қаҳрамони номи билан аталувчи шаҳар. 35.Ипак қурти ҳосили. 36.Ўзбек шоири ва драматурги. 37.Қаҳрамон саркарда, фашизмга қарши уруш қўмондонларидан бири. 38.Ўзбек халқ достони. 39.Мумтоз мусиқа асари. 40.Сабзавот экини.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1.Тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан — 6,1,8,14,5,7.

2.Ал-Марғинонийнинг нодир асари — 16,5,9,17,10.

3.Ўзбек шоири ва драматурги — 11,2,3,12,5,9.

4.Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги шаҳар — 13,18,15,1,8.

5.Кимёвий модда — 4,17,9.

Энди жавоб сўзлари асосида шакл марказидаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этинг. Ундан ўрта асрнинг буюк ижодкори Леонардо да Винчи меросига мансуб ҳикматли сўзни билиб оласиз.

Ф.ОРИПОВ тузди

Тадбир

ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Тошкент юридик коллежида академик шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Билим масканининг «Она тили ва адабиёти» ҳамда «Хорижий тиллар» кафедралари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур адабий-бадиий кечада талабалар шоир шеърларидан ёд айтишди, машҳур асарлари, жумладан, «Шум бола» қиссаси асосида яратилган саҳна кўринишларини инглиз ва ўзбек тилларида намойиш этишди.

– Тадбир ўқувчиларимизда катта таассурот қолдирди, – дейди коллежнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Анвар Хидиров. – Айниқса, шоирнинг қизи Олмосхон Аҳмедова ҳамда таниқли шоир ва журналистларнинг адиб тўғрисидаги хотиралари ёшларимизда катта қизиқиш уйғотди.

А.ШАФҚАРОВ

Тарихнинг ўқилмаган саҳифаси

Ўтмишни билмай туриб, бугуннинг қадрига етиш қийин. Мустақиллик шарофати билан унутилаётган қадриятларимизни тикладик, тиклаяпмиз. Етмиш йил уқтириб келинганидек, ёппасига саводсиз, авом халқ эмас, тарихи бой, алломалари жаҳонга танилган, қадди ҳам, қадри ҳам баланд инсонлар авлоди эканимизни тушуниб етдик. Гап шундаки, Пискентнинг Олмалиқ шаҳри билан чегарадош ҳудудида Келовчи (собиқ Керовчи) деб аталган мўъжазгина қишлоқ бор. У фидойи инсон Ислиддан Ҳайдаров номи билан аталадиган ширкат хўжалиги маркази.

КЕЛОВЧИМИ ЁКИ ҚИРОВЧИ

ёхуд Отабекнинг қабри қаерда?

Қарияларимизнинг хотирлашича, қишлоқ кўп асрлик тарихга эга. Атоқли ёзувчи Мирмуҳсиннинг XIII асрда Хўжанд ҳокими бўлган саркарда Темур Малик ҳаётига бағишланган тарихий «Темур Малик» романида Келовчи қишлоғи кўп марталаб тилга олинган. Жумладан, асарнинг 110-бетида қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

«Чорикдаррон билан Хўжанд оралиғи бир кунлик йўл. Аскар Чиний савдогарлар Чу дарёсидан ўтгандан кейин Ўтрору Шошни ёқалаб, Хўжандга киришади. Чорикдаррон ва баъзан Келовчи қишлоқларидаги карвонсаройда қўнишарди».

Тарихдан маълумки, Темур Малик мўғул босқинчиларига қарши курашган буюк ватандошимиз. У Тошкентдан (қадимий Шош) Хўжандгача кўплаб қоровулхоналар (душман келишидан хабар берувчи тепаликларда гулхан ёқилган) қурдирган. Худди шундай истеҳкомлардан бири Келовчи қишлоғида ҳам бўлган. Бу тепаликларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам бор.

Сон жиҳатдан беҳисоб бўлган мўғуллар Темур Малик назоратидаги жойларни бирин-кетин босиб олади.

Романнинг 197-бетида шундай сатрлар бор:

«Келовчи тепалигидаги «Султоннинг истеҳкоми» фақат икки кунга бардош берди. Қуруқсой, Такали... қоровулхоналарига маълум қилмоқчи бўлиб, Келовчи тепалигида ёқилган олов бир лаҳзада ўчди. Чорикдаррон истеҳкомида турганлар тезда ёниб ўчган алангадан Хўжанд йўлидаги асосий истеҳкомлардан ҳисобланган Келовчининг қўлдан кетганини дарҳол сезишди...»

Хуллас, Келовчи бундан саккиз аср муқаддам Буюк Ипак йўлидаги тўхташ манзилларидан бири, мўғул истилосига қарши курашда ўзига хос муҳим ҳарбий истеҳком бўлганлиги аниқ.

Буюк шоҳ ва зукко шоир Бобур Бискат (ҳозирги Пискент) орқали Фаркатга (ҳозирги Паркент) йўл олган.

«Келовчи» сўзининг маъноси шундаки, қишлоқ Оҳангарон дарёси ўзанига жойлашган. Бу қуюқ бутазор ва дарахтзорлар, қамишли тўқайзорларда ов қилиш қулай бўлган. Демак, «Келовчи» овчилар келинглар, деган маънони англатган ва асрлар давомида шу ном билан аталган. Лекин яқин ўтмишимизда бу сўз нимагадир Керовчи-Кераучи деб ўзгартирилган. Адабиётшунос олим В.Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида XVIII асрнинг забардаст шоирларидан бири, Мулла Шермуҳаммад ўғли Махмур ижодига бағишланган мақола бор. Унда ёзилишича, «Махмурнинг бизгача етиб келган асарлари орасида «Таърифи вилояти Қурама ва аз довони Кандир гузаштан» номли мухаммаси ҳам бор. Асар саёҳатнома жанрида. Унда баён қилинишича, Махмур Кандир довонидан ошиб, Қировчини босиб ўтган ва ниҳоят Қурамага сафар қилган.

Академик В.Абдуллаевнинг таъкидлашича, Қурама ҳозирги Оҳангарон водийсида жойлашган. Демак, Махмур қаламга олган Қировчи деган жой айнан ҳозирда Келовчи деб аталаётган қишлоқнинг ўзидир.

Олимнинг қуйидаги фикрлари сўзимиз исботидир.

«Йўл азоби — гўр азоби» деган мақол худди Махмур яшаган даврдаги йўлларга мослаб айтилган. Чунки бир томондан йўлларнинг жуда ҳам ўнқир-чўнқирлиги, иккинчи томондан йўл воситаларининг от, эшак ва аравадан иборат эканлиги сафарга чиққан кишини қийнар эди. Маҳмур ҳам худди шу уловда Қировчини босиб ўтди. Бу ҳолни муаллифнинг қуйидаги мисралари тасдиқлайди:

Самода, сақла дигар бора
Қировчи йўлидин
Солма ёдимга ани Дашти
қиёмат чўлидин.
Талхком айлама лутфинг
била Аччиқ қўлидин
Шиквагор то бўлмайин
қуми қароқчи чўлидин.
Бир юриб йўлида, минг
сўкма саройи Қурама.

Албатта, шоир нима учун Келовчини Қировчи деб атагани бизга ноўмалум. Лекин бу сўзлар маъноси яқин, яъни овчилар билан боғлиқлиги учун иккала ном ҳам бир жойни англатганига шак-шубҳа йўқ.

Қишлоқ тарихи билан боғлиқ муҳим бир воқеа ҳақида Ҳасанали Абдурашидов шундай ҳикоя қилади:

— Қишлоқ фаолларидан Раҳим ака Мусаев айтиб берган эди. Унинг хотирлашича, Машҳур ёзувчи Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романини ёзаётган пайтда Келовчига келган экан. Ёзувчи қишлоқ фаоллари ва зиёлилардан: Отабекнинг қабрини суриштирган.

Албатта, Отабекнинг қабри шу қишлоқ қабристонидан топилганми, йўқми, бизга ҳозирча аниқ эмас. Лекин қабристон четида катта қўрғон бўлган. Унинг харобалари ҳатто 1960-70 йилларда ҳам бор эди. Марҳум устозимиз Қўзибой ака Иброҳимов бу қўрғон 1860-йилларда Чор Россияси босқинчиларига қарши курашда истеҳком вазифасини ўтаганини ҳикоя қилиб берган эди. Ҳақиқатан ҳам қалъа деворларида душманга қарши ўқ отиш учун махсус тешиклар борлигини биз ҳам ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Қалъа деворлари атрофидан занглаган қиличлар, ўқотар қуроллар топилган.

Агар «Ўтган кунлар» романи қаҳрамони Отабек ҳам Кумушидан ажралгач ўз ихтиёри билан урушга кетганини ва босқинчиларга қарши курашда ҳалок бўлганини эсласак, Абдулла Қодирийнинг қишлоққа бежиз унинг қабрини излаб келмаганига гувоҳ бўламиз.

Биз сўзсиз Отабек айнан Келовчи қишлоғига дафн қилинган, деб даъво қилмоқчи эмасмиз. Бироқ ўзбекнинг фахри бўлган шундай аллома ёзувчининг қишлоғимизга келгани, Отабекнинг қабрини излагани романда Юсуфбек Ҳожининг Мулла Нурмуҳаммад қушбеги аскарларини айнан Келовчи қишлоғидан Тошкентга қайтаргани тасвирланганлигининг ўзи ҳам қалбларимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдиради. Қишлоғимиз кўҳна тарих шодасида битта маржон эканлиги билан ғурурланса арзийди.

Эргаш АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент тумани И.Ҳайдаров номли ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерация Кенгашининг молия бўлими бошлиғи ўринбосари Ашур АСАДОВга акаси **Сафар АСАДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят, туман, шаҳар қўмиталари Ховос тумани тармоқ қўмитаси раиси Ўрол ҚОҒАБЕКОВга ўғли **АБДУЛХОШИМ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Касаба уюшмалари Сирдарё вилоят Кенгаши Кенгашнинг ижтимоий суғурта бўлими мудири Раҳматулло СУЛТОНОВга опаси **Иқбол ЭГАМБЕРДИЕВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Касаба уюшмалари Сирдарё вилоят Кенгаши вилоят маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Пиримқул ДЎСТМАМАТОВга волидаи муҳтарамаси **ОМОНГУЛ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Фарғона вилоят тармоқ касаба уюшма Кенгашининг раиси Муҳиддин ЛАТИПОВга волидаи муҳтарамаси **МАҲСУДАПОШША ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17449 Буюртма Г—373. 1 2 3 4 5 6